

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02./30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МУХИТДИНОВ ДИЛШОД ДАВРОНОВИЧ

**КРЕМНЕЗЕМ МИҚДОРИ ЮҚОРИ БЎЛГАН НООРГАНИК
ҚЎШИМЧАЛИ ЯНГИ ТУРДАГИ ЦЕМЕНТЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of dissertation doctor of Philosophy (PhD)

Мухиддинов Дилшод Давронович

Кремнезем миқдори юқори бўлган ноорганик қўшимчали янги турдаги цементлар олиш технологияси.....3

Мухиддинов Дилшод Давронович

Технология получения новых видов цементов с неорганическими добавками с высоким содержанием кремнезема.....25

Mukhiddinov Dilshod Davronovich

Technology for obtaining new types of cements with inorganic additives with a high silica content.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works48

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02./30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

МУХИДДИНОВ ДИЛШОД ДАВРАНОВИЧ

**КРЕМНЕЗЕМ МИҚДОРИ ЮҚОРИ БЎЛГАН НООРГАНИК
ҚЎШИМЧАЛИ ЯНГИ ТУРДАГИ ЦЕМЕНТЛАР ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ташкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг В2020.2.PhD/T1717 рақами билан рўйхатга олинган

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида www.ionx.uz ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Искандарова Мастура Искандаровна**
Техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар **Шамшидинов Исроилжон Тургунович**
Техника фанлари доктори, профессор

Искендеров Ахмет Максудбаевич
Техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Урганч Давлат Университети**

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02./30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «10» декабры 2020 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (21 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2020 йил «26» ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил «26» ноябрь даги № 21 рақамли реестр баённомаси).



(Handwritten signature of B.S. Zakirov)

Б.С. Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

(Handwritten signature of D.S. Salixanova)

Д.С. Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

(Handwritten signature of S.A. Abdurakhimov)

С.А. Абдурахимов

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.

Бугунги кунда жаҳонда цемент саноатида энергия ва ресурсни сезиларли даражада тежашни таъминловчи иқтисодий самарадор йўналишлардан бири цементнинг таркибидаги юқори ҳароратли клинкернинг маълум бир қисмини ўрнини боса оладиган, унинг физик-механик ва эксплуатацион хоссаларига ёмон таъсир кўрсатмайдиган аралаш ва композицион портландцементлар ишлаб чиқаришдан мақсад цемент ишлаб чиқариш саноатини маҳаллий қўшимчалар билан таъминлашдан иборат бўлиб, бунда уларнинг мавжуд табиий манбаларни тадқиқ қилиш катта аҳамиятга эга.

Жаҳонда кремнезем миқдори юқори бўлган ноорганик қўшимчаларни янги турларидан фойдаланиб юқори сифатли цементлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш борасида қуйидаги йўналишларда тегишли илмий ечимларни асослаш: ноанъанавий минерал қўшимчалардан фойдаланиб портландцементларнинг янги турларини ишлаб чиқариш; техноген чиқиндилар асосида қўшимчали цементлар таркибларини оптималлаштириш ва олиш технологиясини такомиллаштириш; пуццоланли цементларнинг сувда қотиш вақтини қисқартириш ва қурилиш-техник хоссаларини яхшилаш; композицион цементларнинг янги турларини шакллантириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бориш зарур:

Республикамызда маҳаллий хом ашёлар асосида цементларнинг янги турларини олиш, янгидан-янги замонавий цемент корхоналарини қуриш, янги турдаги цементларни ишлаб чиқариш ҳажмини ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича бир қатор илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, амалиётда кам сарфли энергия тежамкор усулларни қўллаш, цемент ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, импорт ўрнини алмаштирувчи ва экспортбоп маҳсулотларни тайёрлаш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан кам энергия сифимли клинкер ва цементлар олишда маҳаллий хом ашё ва техноген чиқиндилардан фойдаланиб, арзон ва юқори сифатли цементлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3696-сон «Ички бозорни цемент билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сон «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарорлари ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таркибида юқори миқдорда кремнеземли кўшимчалар сақлаган портландцементлар олиш бўйича Isan Erçin, H. El-Didamony, Darweesh H. H. M., Mahmoud R. A., Yilmaz Bulent, Ediz Nezahat, Degirmenci Nurhayat, Yilmaz Arin, В.В. Тимашев, В.К. Классен, С.С. Канцепольский, Т.Б.Бельских, О.В. Кононова, А.О. Смирнов, М.Я. Бикбау, Б.Т. Таймасов, Ю. А. Онасенко, В. В. Песчанская, В.В. Бабков, А.И. Габитов, Сахибгареев, Т.Б. Бельских, Г. Браун, А.И. Савенков, А.А. Баранова, В.Д. Котляр, М.В. Бахарев, В.Н., Семиндейкин, З.Б. Энтин ва бошқалар шуғулланганлар.

Юртимиз олимлари Т.А. Отақўзиев, М.И. Искандарова, З.П. Пулатов, Г.М. Рахимова, А.М. Рахимов, А.А. Туляганов, Ф.Б. Атабаев, ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида энергия сиғими кам клинкерларда асосий минераллар ҳосил бўлиш жараёни тезлашган; техноген чиқиндилар асосида олинган портландцементларнинг марка кўрсаткичлари барқарорлашган; композицион цементларнинг мустаҳкамлиги ошган; янги таркибли кўшимчалар куйдирилганда ва цементга қўшилганда янги ҳосилалар пайдо бўлиш механизми ўрганилган; цемент тошида сунъий конгломерат шаклланишининг физик-кимёвий асослари тадқиқ этилган.

Айни пайтда, кремнезем миқдори юқори бўлган ноорганик кўшимчали янги турдаги цементлар олиш бўйича нанотехнология асосида цементларнинг янги турларини ишлаб чиқиш; сульфатбардош цементларнинг коррозияга қарши хусусиятларини ошириш; пуццоланли цементларнинг бетон учун кечадиган гидратланиш механизмларини ўрганиш; янги очилган конлардаги хомашёлар асосида композицион цементларни янги таркибларини ишлаб чиқиш; цемент таннархини камайтириш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170914202 – «Микрокремнезем ва кремнезем тутган маҳаллий кўшимчалар миқдори юқори бўлган цементларнинг янги турларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўшимча сифатида микрокремнезем (МК) ва опокасимон жинслардан фойдаланиб, янги турдаги кўшимчали энергия-

ресурстежамкор портландцементларни таркибларини ва олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

микрокремнезем ва опокасимон жинсларнинг кимёвий-минералогик таркибларини ва гидравлик фаоллиги бўйича, цемент қўшимчаси сифатида фойдаланишга яроқлилигини ўрганиш;

микрокремнезем ва опокасимон жинсларни портландцементнинг физик-механик хоссаларига таъсирини тадқиқот қилиш ва улар қўшилган портландцементлар таркибини оптималлаштириш;

кўп компонентли «туйилган клинкер – микрокремнезем – гипс - сув» ва «туйилган клинкер - опокасимон жинс – гипс - сув» тизимида қотиш жараёнида гидратли бирикмалар ва сунъий конгломерат шаклланиш жараёнини тадқиқ қилиш ва цемент тоши ҳосил бўлишидаги «таркиб-структура-хосса» ўзаро боғлиқлиги қонуниятларини ўрнатиш;

ўта майин таркибли микрокремнеземдан қўшимча сифатида фойдаланиб олинган портландцементларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш ва уларнинг таркибини оптималлаштириш;

микрокремнезем қўшимчали портландцементларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

опокасимон жинслар асосида олинган цементларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш ва уларнинг таркибини оптималлаштириш;

опокасимон жинслар асосида қўшимчали портландцемент олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва саноатда қўллаш бўйича тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти кремнийли қотишмалар ишлаб чиқариш чиқиндиси бўлган микрокремнезем, «Зиёвутдин-3» конининг «Чукурсой» участкаси опокасимон жинслари ва улардан фойдаланиб олинган қўшимчали цементлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети МК ва кремнезем миқдори юқори бўлган қўшимчаларни қўллаб портландцементлар таркибини оптималлаштириш, уларнинг гидратланиш, қотиш ва структура ҳосил қилиш жараёнларини тадқиқ этиш ҳамда қўшимчали цемент ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий-минералогик таркибини аниқлаш, физик-механик синовдан ўтказиш, цемент тоши микроструктурасининг шаклланиши ва гидратацияси жараёнларини тадқиқ қилишнинг рентгенофазавий, ИҚ-спектроскопик, дифференциал-термик, электрон-микроскопик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

янги таркибли қўшимчали цементлар олиш учун минерал қўшимчалар сифатида МК ва опокасимон жинсларнинг кимёвий-минералогик таркиблари ҳамда Стьюдент мезони бўйича гидравлик фаоллиги ва уларнинг цемент қўшимчаси сифатида танланганлиги асосланган;

МК ва опокасимон жинслар қўшимча сифатида цементдаги миқдори ва олинган қўшимчали портландцементлар асосидаги цемент тошининг физик-

механик кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар орқали кўшимчали цементларнинг таркиблари оптималлаштирилган;

янги турдаги кўшимчаларни тутган портландцементларнинг сув билан реакцияга киришиш қобилиятини аниқлаш натижасида мукамал фаза таркибга ва структурага эга бўлган сунъий конгломерат шаклланиши исботланган;

янги таркибдаги кўшимчали цементларнинг гидратланиш жараёнида сунъий конгломерат шаклланишидаги гидратли ҳосилалар вужудга келиши аниқланган;

янги таркибдаги кўшимчали цементларда структура ҳосил бўлишида ва улардаги физик-кимёвий ўзгаришлари билан физик-механик хоссалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

МК ва опокасимон жинсли кўшимчали портландцементлар асосида самарадор цемент композицияларининг таркиблари ишлаб чиқилган;

кўшимча сифатида МК ва опокасимон жинс тутган янги таркибдаги ПЦ400-Д20 маркадаги портландцементларнинг таркиблари ва уларни олиш технологияси ишлаб чиқилган;

ўта майин таркибли МКдан истеъмолчилар фойдаланиши учун меъёрий база - Т_С 00186200-12:2019 “Конденсацияланган микрокремнезем. Техник шартлар” ишлаб чиқилган;

опокасимон жинслардан фойдаланиб кўшимчали цементлар ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги физик-механик синовлар ва катта ҳажмдаги тажрибалар натижаларининг мослиги амалдаги давлатларaro стандартлар, Ўзбекистон Республикаси стандартлари талабларига биноан олиб борилганлиги, мувофиқлик сертификатга эга қурилма ва асбоб-ускуналар, тадқиқотнинг замонавий физик-кимёвий усуллари, рентгенфазавий, дифференциал-термик, инфрақизил спектроскопик оптик ва электрон микроскопик таҳлил каби усуллардан фойдаланиб олинганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий аҳамияти, сунъий конгломератнинг мустаҳкам тузилиши ва юқори физик-механик хоссаларининг шаклланишини портландцементлардаги клинкернинг 20%ни микрокремнезем ва опокасимон жинсларга алмаштиришда кечадиган «таркиб-структура-мустаҳкамлик» ўзаро боғлиқлиги қонуниятларини ўрнатилиши билан илмий асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўшимчали цементлардаги юқори ҳароратда олинадиган қимматбаҳо клинкер қисмини 20%га тежалганлиги, цемент ишлаб чиқариш ҳажмининг ортганлиги, таннархи арзонлаштирилганлиги, атроф-муҳитни соғломлантиришга йўналтирилганлиги ва саноат корхоналари атрофидаги ҳудудларда экологик муҳитнинг яхшиланишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кремнезем миқдори юқори бўлган янги турдаги цементлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

МК-85 маркадаги ўта майин таркибли микрокремнезем учун техникавий шарти «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатдан ўтказилган (Т_с 00186200-12:2019). Натижада мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёни назорат қилишга имкон беради;

куруқ қурилиш аралашмалари учун клинкер-композицион боғловчилар техникавий шарти «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатдан ўтказилган (Т_с00295455-48:2018) Натижада, мазкур техник шарт маҳсулотнинг сифати ва технологик жараёни назорат қилишга имкон беради;

микрокремнезем кўшилган кўшимчали портландцемент олиш технологияси «Бекабодцемент» АЖ да амалиётга жорий этилган («Бекабодцемент» АЖнинг 2020 йил 26 октябрдаги ШШ/1129-сон маълумотномаси). Натижада, юқори ҳароратда олинадиган қимматбаҳо клинкерни тежаш ва кўшимчали портландцементни саноат миқёсида ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 республика илмий-техник анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан 6 мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, улардан 4 таси республика журналларида, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Микрокремнезем ва кремнезем миқдори юқори кўшимчалардан қурилиш материаллари саноатида фойдаланиш ҳолати ва истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида чет элларда ва мамлакатимизда кремнезем миқдори юқори бўлган материаллар, хусусан МК ва опока кўшилган цементарни олиш технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқот ишлари таҳлили келтирилган, мавжуд ишланмаларнинг афзалликлари ва камчиликлари танқидий ёндашув асосида аниқланган.

Қўшимчали цемент олиш соҳасида мавжуд бўлган маълумотлар таҳлили микрокремнезем, диатомитлар, трепеллар, опокалар, турли ҳилдаги вулқон жинслари сингари фаол кремний сақлаган қўшимчалар клинкер қисмининг ўрнини эгаллаган ҳолда оҳакни ютиш қобилияти юқори эканлиги билан ажралиб туриши, цемент ва унинг асосидаги бетоннинг физик-механик ва қурилиш-техник хоссаларини яхшиланишига кўмаклашишини кўрсатди.

Ўлчами 0,1 микрон бўлган аморф кремнезем заррачаларидан ташкил топган, заррачалари цемент заррачаларидан 100 марта кичик ва ўртача нисбий сирти $20 \text{ м}^2/\text{г}$ бўлган ўта майин кукун ҳолатдаги МК дан қурилиш саноатида цемент ва бетонга қўшимча, қуруқ қурилиш аралашмалари компоненти, керамика плиталари олишда шихта хом ашёси сифатида кенг фойдаланилади. МК портландцемент таркибида қўлланилганда, ундаги асосан опал-кристобалитли фаза кўринишидаги ўта майин заррали SiO_2 ни, клинкер минераллари заррачалари билан тўқнашув юзасининг ортиши ва ПЦ қотишида $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ни ютилиши (оҳакнинг ютилиши 150 мг/л дан ортик) кучайиши ва бунда тоберморит гуруҳига мансуб гидросиликатлар ҳосил бўлиши кўпайиши унинг пуццолан фаоллигини белгилаб, айнан шу нарса ундан сульфатбардошлиги юқори бўлган мустаҳкам цемент тоши ва бетон олишда қўшимча сифатида фойдаланишга яроқлилигини белгилаб беради.

Табиий кремнезем сақлаган жинслар, хусусан опал-кристобалит фаза таркибли опокалар ва опокасимон жинслар портландцемент ва цемент-бетон қотиши жараёнига таъсир кўрсатиши бўйича МК билан бир ҳил бўлиб, реакцияга киришиш ва оҳакни ютиш қобилияти юқорилигини намоён этади. Ҳовак структурага эга бўлган қўшимчалар цементни қотиш жараёнида ажралиб чиқувчи Ca^{2+} ионларини суюқ фазадан тезлик билан ютиши туфайли, портландцемент минералларини гидратланиш жараёни тезлашади, цемент ва кремнеземли қўшимчалар, хусусан опока минералларини “кислота-асос” тамойили бўйича ўзаро таъсирлашиши ҳисобига кимёвий реакция жадаллашади, бу эса шаклланаётган цемент тошининг зичлашуви ва мустаҳкамланишига олиб келади.

Ферросилиций ишлаб чиқариш бўйича «Uz-Shindong Silicon» ҚК МЧЖ ва «Ўзметкомбинат» АЖда корхоналар ишга туширилиши, чиқинди сифатида ҳосил бўлаётган МКни утиллаштириш заруриятини пайдо қилди. Бу эса унинг технологик хоссаларини батафсил тадқиқ қилишни ва қўшимчали цементлар олишда ишлатилганда, олинган натижаларни меъёрий ҳужжатлари талабларига мос келишини аниқлаш ва маҳсулот таркиби ҳамда жараённинг кимёвий-технологик кўрсаткичларини оптималлаштириб, уларни амалиётда қўллашга тавсия қилишни тақозо қилади.

Геологларнинг «Зиёвутдин-3» конида олиб борган қидирув ишлари натижасида кварц-дала шпати кумлари, опокасимон жинслар ва опокали кум конлари топилди. Улардан цемент учун кремнезем тутган қўшимча сифатида фойдаланиш имкониятини аниқлаш, бунинг учун кенг миқёсда физик-механик ва физик-кимёвий тадқиқотлар ўтказиш, уларни МХ (меъёрий ҳужжатлар) талабларига мувофиқлиги борасида хулоса бериш, ушбу диссертация ишининг

йўналиши, мақсади, вазифаси ва предметини танлашда асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертация ишининг **«Дастлабки материалларнинг кимёвий-минералогик тавсифлари, технологик хоссалари ва тадқиқот ўтказиш услублари»** деб номланган иккинчи бобида «Қизилқумцемент» АЖ, «Бекободцемент» АЖ портландцементли клинкери, Бухоро кони гипс тоши, «Uz-Shindong Silicon» ҚК МЧЖ ва «Ўзметкомбинат» АЖ микрокремнеземи (МК), «Зиёвутдин-3» конининг «Чукурсой» участкаси опокасимон жинсларининг кимёвий-технологик хоссалари келтирилган.

«Uz-Shindong Silicon» ҚК МЧЖ МКини кимёвий таркибида SiO_2 ни миқдори юқорилиги (92,71%), Al_2O_3 , Fe_2O_3 , CaO , MgO , R_2O ва MnO_2 оксидлари кўринишидаги аралашмалар миқдори эса 7,29% ни ташкил қилиши аниқланди. «Ўзметкомбинат» АЖни микрокремнеземи ҳам худди шундай кимёвий таркибга эга бўлиб (SiO_2 -92,70%), фақат алюминий оксидлари, сульфатлар ва ишқорий оксидлар миқдори билан фарқланади. Рентгенфазавий, спектрометрик таҳлил, ДТА ва электрон-микроскопик маълумотлар асосида кремнезем миқдори юқори бўлган кўшимчали цемент олишнинг энергия тежамкор таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш мақсадида МКнинг цементни физик-механик хоссаларига таъсирини аниқлаш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида хулоса чиқарилди.

«Зиёвутдин-3» кони «Чукурсой» участкаси опокасимон жинсларда оксидлар миқдори (% , масса ҳисобида): SiO_2 -47,70, Al_2O_3 -9,42, CaO -10,48 ни ташкил этди. CaO миқдорини 10,48%, куйдирилгандаги масса йўқолиши 15,78% эканлиги, унинг таркибида кремнеземдан ташқари карбонатли моддалар аралашмаси ҳам мавжуд эканлигини кўрсатади. Унинг спектрларида кислород, кремний, кальций ва алюминий элементлари концентрацияси юқори эканлиги, темир, калий, натрий ва магний концентрациялари кам эканлиги кузатилди. Опокасимон жинсларнинг фазавий таркибида диопсид $\text{CaMg}(\text{Si}_2\text{O}_6)$ - кальций-магнийли силикат ва аморф кремнезем кўринишидаги опал $\text{SiO}_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ миқдори юқори. Шунингдек, кальцит CaCO_3 , магнетит Fe_3O_4 , мусковит $\text{KA13 Si}_3\text{O}_{10}(\text{OH})_2$ ва бошқа аралашмалар ҳам мавжуд. Опокасимон жинсларни электрон микрофотосуратларида турли ўлчам ва шаклдаги заррачалардан ташкил топган ғадир-будир микроглобуляр тузилиш аниқ ажралиб туради. Бу заррачалар орасида кўпроқ калта призма ва камроқ таблеткасимон кристаллар мавжуд бўлиб, уларнинг оралиғи доначалари зич жойлашган масса билан тўлдирилган, юзасида тангачасимон ҳосилалар ҳам учрайди. «Зиёвутдин-3» кони «Чукурсой» участкасининг опокасимон жинси дифрактограммасини Украинанинг Вольский, Шевченковский ва Степан-Разин конларидаги опокасимон жинслар дифрактограммалари билан қиёсий таҳлил этилганда, унинг лойли опокалар гуруҳига кириши, оҳакни ютиши бўйича кимёвий фаоллиги 130 mg/g ни ташкил қилиши ҳақидаги чиқарилган хулоса, ундан цемент учун кўшимча сифатида фойдаланишга асос бўлди.

Диссертациянинг **«Кремнийли қотишмалар ишлаб чиқариш чикиндиси-микрокремнеземдан фойдаланиб кўшимчали цемент олиш технологиясини ишлаб чиқиш»** мавзусидаги учинчи бобида МКнинг

гидравлик фаоллигини аниқлаш, унинг портланцементни физик-механик ва физик-кимёвий хоссаларига таъсирини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Тажирибалар асосида МКни гидравлик фаоллиги ГОСТ 25094-94 «Цементлар учун фаол минерал қўшимчалар. Синов усуллари»га биноан аниқланган қиймати Стьюдент мезони бўйича $t=13,47$ ни ташкил қилиши аниқланди, бу унинг O'z DSt 901-98 «Цемент учун қўшимчалар. Фаол минерал қўшимчалар ва қўшимча-тўлдирувчилар. Техник шартлар» бўйича чегаравий $t=2,07$ қийматдан катта. Шунингдек, МКнинг тишлашиш муддатини охири ва сув ўтказмаслиги фаол минерал қўшимчаларга қўйилган талабларга мос келади. Шунга кўра, уни цементга қўшимча сифатида фойдаланишга яроқли фаол минерал қўшимчалар гуруҳига қўшиш мумкин.

Қўшимчали цемент таркибини шакллантириш учун «Бекободцемент» АЖ портландцемент клинкери, «Ўзметкомбинат» АЖ микрокремнеземи, Бухоро кони гипс тошидан фойдаланилди (1-жадвал).

1-жадвал

Дастлабки материалларнинг кимёвий таркиби

Материалнинг номланиши	Оксидларнинг масса улуши, %								
	к.к.й.	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	SO ₃	R ₂ O	Пр.
«Бекободцемент» АЖ ПЦ клинкери	17,04	50,25	7,90	2,70	11,26	1,77	0,51	-	8,64
«Ўзметкомбинат» АЖ микрокремнеземи	2,61	92,70	0,76	1,08	0,28	0,22	0,37	1,58	0,42
Гипс тош	H ₂ O (400°C) 19,1	1,52	0,13	0,14	33,04	0,20	43,46	-	2,55

Портландцемент таркибига 20% гача МК киритиш, унинг физик-механик хоссаларига ижобий таъсир кўрсатди ва эгилишга ҳамда сиқилишга мустаҳкамлигини оширди. Базавий цемент ПЦ-Д0 ва 5% МК қўшимчали цементни 28 суткадаги мустаҳкамлик кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ сиқилишга 7,3 МПа ни ташкил этди (2-жадвал). МКни 7% гача киритиш бошланғич муддатларда цементни мустаҳкамлигини кескин оширди, мустаҳкамлик 28-суткада таркибида 5% МК сақлаган цемент даражасида бўлди. МК миқдорини 10% дан 20% гача ошириш қўшимчали цементнинг мустаҳкамлигини тескари томонга ўзгартирди, яъни, дастлабки муддатларда (3 сут.) намуналарнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари пасайиши кузатилди. Ўзаро таъсирлашувнинг мураккаб физик-кимёвий жараёнлари ҳамда «тўйилган клинкер-гипс- микрокремнезем-сув» тизимидаги гидратланиш ўзгаришлари шаклланаётган цемент композитини аста-секин зичлашишига олиб келди ва қотишнинг кейинги муддатларида, баъзан ҳатто ПЦ-Д0 никидан ҳам юқори бўлган мустаҳкамликка эга бўлишини ва 28-суткага келиб, цемент тошининг мустаҳкамлигини эгилишга (8,67 МПа) ҳам, сиқилишга (55,3 МПа) ҳам кескин ўсишини таъминлади.

2-жадвал

МКнинг портландцемент мустаҳкамлик кўрсаткичларига таъсири

Компонентлар номи ва нисбати (масс. %):	В/Ц	Намуналарнинг эгилиш/сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси (МПа)
---	-----	--

ПЦ клинкер	Гипс	МК		3 сут.	7 сут.	28 сут.
«Uz-Shindong Silicon»* ҚК МЧЖ МК						
95	5	-	0,39	4,0/20,5	4,6/28,8	6,3/41,2
90	5	5	0,38	5,1/22,7	6,1/32,1	7,9/48,5
88	5	7	0,40	5,5/25,4	6,2/35,5	9,1/47,5
85	5	10	0,41	5,4/18,7	5,8/32,5	8,7/55,3
80	5	15	0,41	4,9/17,4	5,5/27,5	6,6/47,3
75	5	20	0,41	4,2/16,7	4,3/22,5	2,8/45,5
«Ўзметкомбинат» АЖ МК						
95	5	-	0,37	4,9/17,2	5,2 /29,6	7,0/41,3
90	5	5	0,30	4,9/19,1	5,2 /29,9	7,3/41,4
85	5	10	0,32	5,2/19,1	5,5/30,6	7,4/45,8
80	5	15	0,34	3,9/12,7	4,7/26,7	6,2/42,7
75	5	20	0,36	3,4/12,7	4,4/21,8	6,3/40,8



МК миқдори 15-20%га етганда цемент мустаҳкамлигининг бироз пасайиши кузатилди, бироқ унинг кўрсаткичи (47,3-45,5 МПа)га тенг бўлиб, ушбу муддатларда гидравлик фаоллиги 41,2 МПа бўлган ПЦ-Д0 никидан сезиларли даражада юқори бўлди. Бундай самара, кимёвий сув боғланиши тезлиги, пайдо бўлаётган ҳосилаларнинг фаза таркиби ва гидратланаётган «туйилган клинкер-гипс-микрокремнезем-сув» тизимида шаккланаётган цемент тоши структураси аниқланганида тасдиқланганидек, цемент тоши ғовақлари МКнинг сферасимон заррачалари билан тўлиши ҳисобига таъминланади. Бу заррачалар қўшимча равишда гидросиликат ивиқлар ҳосил бўлишига ва улардан нинасимон кристаллар ўсиб, чатишишига кўмаклашади, ва бунда цемент тошининг капилляр ғовақлилиги ва ўтказувчанлиги сезиларли даражада камаяди (3-жадвал, 1-ва 2-расмлар).

3-жадвал

Кимёвий боғланган сув миқдорини цементни қотиш муддатига боғлиқ ҳолда ўзгариши

№	Цементлар белгиланиши	Намуналардаги кимёвий боғланган сув миқдори (%)						
		Қотиш муддати, сут						
		0	1	3	7	28	60	90
1	ПЦ-Д0	2,4	13,29	13,43	12,41	12,87	14,30	14,27
2	ПЦ-Д15 с МК	3,05	16,18	14,05	14,50	16,12	18,98	17,52

3-жадвал маълумотларига кўра, 15% МК қўшимча сувни гидратли янги ҳосилаларга боғланишини тезлаштиради, рентген-фазавий таҳлил маълумотларига кўра улар базавий портландцемент гидратацияси маҳсулотларидан морфологик жиҳатдан фарқ қилмайди. Улар ўртасидаги фарқ фақатгина Са(ОН)₂ нинг тезкор ютилиши ва боғланиши ҳисобига бўлади.




1-расм. Цемент тошининг 28 сутка қотишдан кейинги дифрактограммаси (1) ва унинг 28 (2) ва 90 сутка (3) қотган синик юзасининг тузилиши

Тоберморит туридаги гидросиликатли структураларнинг 1- ва 2-расмлардаги каби гидратли ҳосилаларини қўшимчали цементларда катта миқдорда ҳосил бўлиши цемент тошини зичлантиради, бу эса, ўз навбатида, цемент таркибидаги фаоллиги юқори бўлган клинкер миқдорининг камайганига қарамай, қўшимчали цементнинг физик-механик кўрсаткичлари юқори бўлишини таъминлайди.

МК ўта майин таркибли материал бўлганлиги сабабли, уни клинкер ва гипс тоши билан бирга қўшиб туйишга ҳожат қолмайди (2-расм). Шу сабабли, МК қўшимчали цемент олишни таклиф этилаётган технологик схемаси қўшимча учун дозаторли хампани ўрнатилиш жойини ўзгартиришни кўзда тутуди, яъни дозаторли хампа зўлдирли тегирмондан туйилган клинкер ва гипсдан иборат ПЦ-Д0 цемент кукуни чиқиш жойига ўрнатилади ва у ердан цемент билан биргаликда узатувчи транспорт қурилмасига келиб тушади. Бу ерда аралашма сиқилган ҳаво ёрдамида аралаштирилиб, сақлаш учун цемент силосларига юборилади.

«Ўзбекистоннинг опокасимон жинси қўшилган портландцементлар таркибини оптималлаштириш ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобда «Зиёвутдин-3» кони «Чуқурсой» участкасининг опокасимон жинсларидан фойдаланиб олинган цементларнинг физик-механик ва физик-кимёвий тадқиқотлари натижалари ёритилган. Опокасимон жинсни ўртачалаштирилган намунасида асосий оксидларнинг миқдори қуйидагича (% , масса ҳисобида): SiO_2 - 47,70, Al_2O_3 - 9,42, CaO - 10,48.

Кальций оксидининг (CaO)-10,48% миқдорда ва к.м.й.-15,78% ташкил этиши маҳаллий опокасимон жинсларда кремнеземдан ташқари таркибида карбонатли жинслар мавжуд эканлигидан далолат беради (4-жадвал). Опокасимон жинснинг фаоллиги Стьюдент мезони бўйича МХ талабларига мувофиқ ($t=4,6 > 2,07$) эканлиги аниқланди ва бу кўрсаткич O'z DSt 901-98 талабларига мос келганлиги туфайли, ундан умумқурилиш портландцементлари ишлаб чиқаришда қўшимча сифатида фойдаланиш мумкин деган хулоса чиқарилди.



2-расм. МК қўшимчали цемент ишлаб чиқиш технологик схемаси

4-жадвал

Опокасимон жинснинг кимёвий таркиби

Номланиши	Оксидларнинг масса улуши,%							
	к.к.й.	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	SO ₃	ва бошқ.
Намуна № 1	16,66	43,32	7,65	3,59	14,24	1,18	2,54	10,9
Намуна № 2	14,89	52,22	11,19	1,99	6,72	3,44	1,52	9,20
Ўртача намуна	15,78	47,77	9,42	2,79	10,48	2,31	2,03	8,67

Қўшимчали цементлар олиш учун ПЦ клинкери, гипс тоши ва 10 дан 40% гача миқдорда опокасимон жинс қўшилган хом ашё шихталарининг майдаланиш қобилияти опокасимон жинснинг миқдори бўйича пропорционал равишда ўзгариб бориши аниқланди, яъни қўшимча миқдори 20% бўлганда майдаланиш жараёни ПЦ-Д0 га нисбатан бир мунча яхшиланди: опокасимон жинс миқдори 20%, 25% ва 30%, майдалаш вақти 40 минут бўлганда, туйилиш майинлигининг №008 рақамли элакда қолган қолдиқ билан аниқланган миқдори тегишлича 8,0%; 8,0% ва 8,5% ни ташкил этди. Қўшимча миқдори 10% ва 15% бўлган цементларда қолдиқ миқдори ПЦ-Д0 ники каби бўлиб, 10% ташкил этди. Опокасимон жинс миқдорини 40% га ошириш аралашмани майдаланишини бир мунча қийинлаштирди.

5-жадвал маълумотларига кўра, олинган цементларда асосий оксидлар миқдори қуйидаги чегарада бўлди: SiO_2 -20,88 дан 30,98% гача; Al_2O_3 - 4,68 дан 6,48% гача; Fe_2O_3 - 3,25 дан 3,67% гача; CaO - 40,55% дан 61,67% гача; MgO - 2,51 дан 2,72% гача. Цементлар таркибидаги SO_3 миқдори (2,54-3,27)% ни ташкил этди ва бу кўрсаткич ГОСТ 10178-91, 31108-2003 ва ГОСТ 22266-94 талабларига мувофиқ келади. Тажриба портландцементларининг физик-механик хоссаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, таркибида 10÷40% гача қўшимча бўлган цементларни тишлашиш муддати ПЦ-Д0 цементниқидан деярли фарқ қилмади.

5-жадвал

Тажриба цементларининг кимёвий таркиби

№	Цементларнинг шартли белгиланиши	Цементдаги оксидларнинг миқдори,% масса бўйича							
		к.к.й.	SiO_2	Al_2O_3	Fe_2O_3	CaO	MgO	SO_3	Прочие
1	ПЦ-Д0	1,3	20,88	4,68	3,67	61,67	2,72	2,54	2,46
2	ПЦО-Д10	2,92	23,07	5,14	3,57	56,39	2,67	2,71	3,53
3	ПЦО-Д15	3,71	24,39	5,36	3,52	53,74	2,65	2,80	3,83
4	ПЦО-Д 20	4,48	25,39	5,57	3,46	51,12	2,62	2,87	4,55
5	ППЦО-Д 25	5,25	27,01	5,82	3,41	48,47	2,59	2,96	4,49
6	ППЦО-Д 30	5,98	28,33	6,04	3,35	45,82	2,56	3,04	4,88
7	ППЦО-Д 40	7,52	30,98	6,48	3,25	40,55	2,51	3,27	5,46

Қўшимча миқдори 25%, 30% ва 40% бўлган цементларни тишлашиши, қўшимча билан бирга цементга кирган лойли минералларнинг миқдори ҳам ортиши сабабли, ПЦ-Д0 га нисбатан бир оз секинлашади.

6-жадвал маълумотларига кўра, 10% опокасимон жинсли қўшимчали ПЦО-Д10 маркали цементнинг 7 ва 28 суткадаги мустаҳкамлик кўрсаткичлари ПЦ-Д0 дан бирмунча баланд. Маълумки, таркибида 10% гача миқдорда чўкиндили қўшимча сақлаган портландцементлар ГОСТ 10178-85 бўйича умумқурилиш цементлари ҳисобланади. Шу сабабли 10% опокасимон жинсли қўшимча сақлаган ҳамда қотишнинг 28-суткасида сиқилишга мустаҳкамлиги 42,9 МПа (438 kgf/cm^2) бўлган ПЦО-Д10 маркали портландцемент 400 маркали деб тавсифланди ва шартли равишда ПЦ 400-Д20 деб белгиланди.

Қўшимчали портландцементларни физик-механик хоссаларининг опокасимон жинслар миқдорига боғлиқхолда ўзгариши

Цементнинг шартли белгиланиши	Қоришманинг С/Ц	Конус бўйича ёйилиши, mm	Эгилиш ва сиқилишда мустаҳкамлик чегараси, (МПа),%				МХ бўйича цемент маркаси
			7d		28d		
			Рэг.	Рсиқ.	Рэг.	Рсиқ.	
ПЦ-Д0	0,39	113	5,27	26,1	6,45	$\frac{42,8}{100}$	400
ПЦО-Д10	0,39	113	5,20	27,9	6,58	$\frac{43,8}{102}$	400
ПЦО-Д15	0,39	113	48,8	27,0	7,03	$\frac{42,3}{98,8}$	400
ПЦО-Д20	0,44	110	5,20	24,3	6,35	$\frac{40,0}{93,0}$	400
ППЦО-Д25	0,50	110	5,82	21,6	4,15	$\frac{26,0}{60,7}$	Мувофиқ эмас
ППЦО-Д30	0,52	110	2,81	18,1	3,97	$\frac{24,9}{58}$	Мувофиқ эмас
ППЦО-Д40	0,56	107	2,25	11,0	3,15	$\frac{16,7}{39,0}$	Мувофиқ эмас

Мустаҳкамлик чегараси бўйича 15 дан 20% гача опокасимон жинсли қўшимча сақлаган ПЦО-Д15, ПЦО-Д20 цементларнинг гидравлик фаоллиги «400» маркани таъминлайди ва ГОСТ 22266-94 талабларига мувофиқ, шартли белгиланиши ССПЦ 400-Д20 минерал қўшимчали сульфатбардош портландцементлар сифатида тавсифланади.


Цементлар таркибидаги опокасимон жинс миқдорини 25%, 30%, 40% ошириш уларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичларини пасайишига олиб келди, бу кўрсаткичлар тегишлича 26,0 МПа, 24,9 МПа, 16,7 МПа ни ташкил этди ва ГОСТ 22266-94 пуццоланли ПЦ ларга қўйган талабларга мувофиқ келмайди.

Цемент тоши таркибидаги клинкернинг улуши 15-20% га камайишига қарамай цементларнинг мустаҳкамлиги 400 маркага етиши сабабларини аниқлаш мақсадида, гидратланиш жараёнида юзага келадиган ҳосилалар тури ва цемент тоши микроструктураси шаклланиш генезиси тадқиқ қилинди.

Таркибида 15% опокасимон жинс тутган цементни гидратланиш тезлиги ўрганилганда, кимёвий боғланган сув миқдори МКли цементники билан бир ҳилда эканлиги аниқланди ва бунинг сабаби, иккала қўшимчанинг ҳам пуццолан фаоллиги деярли бир ҳилда эканлиги билан боғланди. Ҳовак тузилишга эга опокасимон жинслар C_3S гидролизланиши натижасида ажралиб чиқаётган $Ca(OH)_2$ ни суюқ фазадан жадал ютиб, цементни гидратланиш жараёнини жадаллаштиради ва гидратли маҳсулотларни катта миқдорда тез ҳосил бўлишини, ҳамда цемент тошининг тезроқ мустаҳкамланишини таъминлайди. Қотиш муддати ортиши билан намуналардаги боғланган сув

микдори аста-секин ортиб бориб, 60-суткага келиб 17,17% га етади, бу эса базавий ПЦ тошидагига нисбатан 3,13% га кўп, 90-суткалик муддатда эса гидратли фазалар таркиби барқарорлашиши туфайли кимёвий боғланган сув микдори бир оз камаяди.

Таркиби 15% опокасимон жинсли цемент дифрактограммасида пайдо бўлган тоберморит гуруҳига мансуб кальций гидросиликатлари ($d/n=0,303$; $0,228$; $0,218$ nm), кальций гидросульфоалюминатларга хос ($d/n=0,983$; $0,809$; $0,729$ nm) чизиклар 1-90 сутка мобайнида қотганда ўз ўлчамларини бир оз ўзгартиради (3-расм).




3-расм. Таркибига 15% опокасимон жинс қўшилган портландцементнинг 1 (1); 28 (2) ва 90 (3) сутка давомида сувда қотгандан сўнгги дифрактограммалари

Опокасимон жинс қўшилган цемент намуналарини термик ҳолати унинг қотиш муддатларига боғлиқ бўлиб, термик барқарорлик қатори қуйидагича ўзгаради: 1-сут (20,44%); 3-сут (18,29%); 7-сут (20,66%) ва 90-сут (22,08%).


Цемент сув билан қориштирилганда 1 суткадан кейин цемент пастаси тошга айлана бошлайди, унинг синдирилган юзаси турли шаклга ва йўналишга эга, кўплаб ҳаво ғоваклари бўлган ғадир-будир кўринишдан иборат

(4-расм). Гидратланиш маҳсулотлари ивиқсимон массададан иборат бўлиб, ғовакларнинг деворлари атрофида нинасимон кристаллар ўсаётганлиги кузатилади. Янги ҳосил бўлган бундай нинасимон кристаллар қотаётган цемент пастасининг юза қатламларида ҳам пайдо бўлади.




4-расм. Таркибига 15% опокасимон жинс қўшилган ва 1 сутка давомида қотган цемент тоши синиғи юзасининг рельефи

Цементни гидратланиш жараёни 3-суткага келиб тезлашади, бунда цемент тошининг скелет кристалл тузилмаси шаклланишида мустаҳкамловчи бирикма сифатида хизмат қилувчи эттрингит катта миқдорда кристалланади. Бунга цемент таркибидаги ғоваклилиги ва ютиш қобилияти юқори бўлган опокасимон жинсли қўшимчанинг мавжудлиги ёрдам беради. Қўшимча суюқ фазага ажралиб чиққан Ca^{2+} ионларини жадал ютиб, C_3S гидролизини тезлаштиради, у эса суюқ фазага Ca^{2+} ионларининг янги миқдорларини ажратиб чиқаради, улар эса ўз навбатида цемент таркибидаги алюминат ва сульфатлар билан ўзаро таъсирга киришиб, эттрингит кристалларини катта миқдорда ҳосил бўлишига шароит яратади (5-расм).




5-расм. Опокасимон жинсли 3 сутка қотган цемент тошини синиқ юзасининг рельефи

Цемент тошидаги ғоваклар ва микроёриқлар 7-суткада бирин-кетин ўсиб келаётган ва бетартиб жойлашган кальций гидросульфоалюминатлари ва гидросиликатларининг кристаллари ва кристаллоагрегатлари билан тўлиб боради ва микроёриқларни «ўзини даволаши» жараёни кечади. Бу айниқса 6-расмда яққол тасвирланган бўлиб, ғовакларда игначалар ва юпқа пластинксимон субмикрокристаллар ўсаётганлиги, уларни турли томонларга йўналганлиги ва кристалл “боғлам”ларни ҳосил қилиб, аста-секин цемент тошини жипслаштираётганлиги кўзга ташланади.




6-расм. 7 сутка давомида қотган опокасимон жинсли цемент тоши синиқ юзасининг рельефи

Цемент тошининг микротузилмаси 28-суткага келиб гидратланиш маҳсулотларини битишиб ўсиши ҳисобига кам ғовакли яхлитланган кўринишига эга бўлади (7-расм).



7-расм. 28 сутка давомида қотган опокасимон жинсли цемент тоши синиқ юзасининг рельефи

Шу билан бирга, гидратланиш жараёни «пастдан-тепага» тамойили бўйича давом этади ва янгидан-янги кристаллар пайдо бўлиб ва ўсиб, зич жойлашади ҳамда блокланган кўринишдаги мустаҳкам сунъий конгломератни шакллантиради (8-расм). Цемент тоши ғоваклариди бетартиб ўсаётган толасимон ва призмасимон кристаллар ва кальций гидросиликатларини ипсимон кристалларидан ҳосил бўлган “боғламлар”, гидроалюмерритни пластинкасимон кристаллари билан қопланган майдонлар ҳам мавжудлиги, сунъий конгломерат структураси зичлашишини ва опокасимон жинсининг гидравлик фаоллиги ПЦ 400-Д0 маркадаги цемент даражасида бўлишини таъминлайди.



8-расм. Қотиш муддати – 3 ой бўлган цемент тоши синик юзасининг рельефи

Ишнинг «Цемент ишлаб чиқаришда кремнезем миқдори юқори бўлган қўшимчаларни ишлатиш самарадорлигини асослаш, меъёрий базасини ишлаб чиқиш ва тадқиқот натижаларини жорий қилиш» мавзусидаги бешинчи бобида цемент ишлаб чиқаришда тадқиқот натижаларидан фойдаланишни таъминловчи меъёрий база - МК-85 маркали микрокремнезем учун Т_С№00186200-12:2019 «Конденсацияланган микрокремнезем. Техник шартлар» ишлаб чиқилиб ва рўйхатдан ўтказилиб, «Ўзметкомбинат» АЖда амалга киритилганлиги, «Цементдаги кремнезем миқдори юқори қўшимчаларни масса улушини ўлчашни бажариш услуги» лойиҳаси ишлаб чиқилиб, «Azia Engineering Progress» МЧЖ томонидан метрологик экспертизадан ўтказилганлиги, «YUGGAZ CEMENT» МЧЖни майдалаш бўлимида опокасимон жинслардан фойдаланиб қўшимчали цементни саноат-тажриба тўпи ишлаб чиқарилганлиги ва ПЦ400-Д20 маркали цемент олиш технологияси жорий этилганлиги, МК ва кремнезем миқдори юқори қўшимчали цементлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Илмий-техник адабиётлар ва патент манбаалари маълумотларини таҳлил этиш орқали, ўта майин таркибли МК ва кремнезем миқдори юқори табиий хом ашё материаллардан портландцементга қўшимча сифатида фойдаланиш самарадорлиги изоҳланади.

2. Опокасимон жинслар ва ўта майин таркибли МКни кимёвий-минералогик таркиблари, структураси ва Стюдент мезони бўйича гидравлик фаоллиги аниқланган ҳамда уларнинг цементга қўшимча сифатида ишлатишга яроқлилиги билан изоҳланади.

3. Гидравлик фаоллиги етарли даражада юқори бўлган портландцементлар олишда 20% гача клинкерни опрокасимон жинслар ва микрокремнезем билан алмаштириш таклиф этилган ва «Uz-Shindong Silicon» ҚК МЧЖ ва «Ўзметкомбинат» АЖ микрокремнеземидан фойдаланиб ПЦ400-Д20 маркали цементларнинг таркиблари тавсия этилган.

4. МК-85 маркали микрокремнеземга Т_С 00186200-12:2019 «Конденсацияланган микрокремнезем. Техник шартлар» ишлаб чиқилган ва ўта

майин МКдан фойдаланиб қўшимчали цементлар ишлаб чиқариш учун технологик схема тавсия этилган.

5. Цемент таркибидаги кремнеземли қўшимчаларни масса улушини ўлчаш услуги ишлаб чиқилган, метрологик экспертизадан ўтказилган ва амалда қўлланишга тавсия этилган.

6. ПЦ400-Д20 маркали портландцементни 1 тоннасини ишлаб чиқаришга материалларнинг меъёрий сарфи аниқланган ва уни «YUGGAZCEMENT» МЧЖнинг майдалаш бўлинмасида ишлаб чиқариш учун Технологик йўриқнома ишлаб чиқилган ва ушбу корхонада цемент олиш учун тавсия берилган.

7. Цемент ишлаб чиқариш корхоналарида портландцементнинг маркасини туширмаган ҳолда юқори ҳароратда олинадиган клинкерни маълум қисмини ўта майин микрокремнезем ва опокасимон жинслар билан алмаштириб қўлланилиши тавсия этилган.

8. Таркибида 10% МК бўлган Портландцементнинг назорат синовлари «Бекободцемент» АЖнинг аккредитацияланган синов лабораториясида ўтказилди. Олинган синовларнинг ижобий натижаларини ҳисобга олган ҳолда, «Бекободцемент» АЖда дисперсланган МК қўшимчалар сифатида ўз ичига олган ПЦ 400-Д20 ишлаб чиқариш технологияси жорий этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02./30.12.2019.К/Т.35.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

МУХИТДИНОВ ДИЛШОД ДАВРОНОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ НОВЫХ ВИДОВ ЦЕМЕНТОВ С
НЕОРГАНИЧЕСКИМИ ДОБАВКАМИ С ВЫСОКИМ СОДЕРЖАНИЕМ
КРЕМНЕЗЕМА**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации ученой степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрированной в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.2.PhD/T1717

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский(резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу www.ionx.uz и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель: **Искандарова Мастура Искандаровна**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Шамшидинов Исроилжон Тургунович**
доктор технических наук, профессор

Искендеров Ахмет Макседбаевич
доктор технических наук

Ведущая организация: **Ургенчский государственный университет**

Защита диссертации состоится «10» декабря 2020 г. в «10⁰⁰» часов на заседании Разового Научного Совета DSc.02./30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии Академии наук Республики Узбекистан (адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (Зарегистрированной номер № 21). Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90

Автореферат диссертации разослан «26» ноября 2020 года
(протокол реестра № 21 от 26 ноября 2020г.)



Б.С. Закиров
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

Д.С. Салиханова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

С.А. Абдурахимов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире на сегодняшний день одним из наиболее экономически эффективных направлений в цементной промышленности на сегодняшний день является производство энерго-ресурсосберегающих, смешанных и композиционных портландцементов, способных заменить определенную часть высокотемпературной клинкерной составляющей, без ухудшения его физико-механических и эксплуатационных свойств, с целью обеспечения местного производства цемента добавочным природным сырьем местного происхождения, изучение которого имеет большое значение.

Необходимо проводить в мировом масштабе актуальные научные решения и обоснования для разработки технологии получения высококачественных цементов с использованием новых видов неорганических добавок с высоким содержанием кремнезема по следующим критериям: производство новых типов портландцементов с использованием нетрадиционных минеральных добавок; оптимизация составов добавочных цементов на основе техногенных отходов и совершенствование технологии производства; сокращение времени водного твердения и улучшение строительно-технических свойств пуццолановых цементов; Необходимо проводить исследования по приоритетным направлениям, таким как формирование новых видов композитных цементов:

В нашей республике достигается ряд научных и практических результатов по производству новых видов цемента на основе местного сырья, строительству новых современных цементных заводов, увеличению объемов производства и экспортного потенциала новых видов цемента. С целью дальнейшего развития Республики Узбекистан выработана Стратегия действий, которая определяет следующие задачи: «развитие отраслей производств, модернизация и диверсификация промышленности, применение на практике низкочастотных, энергосберегающих методов, развитие цементной промышленности, производство импортозамещающей и экспортно-ориентированной продукции»¹¹. В связи с этим большое значение имеют исследования, направленные на производство дешевых и высококачественных цементов с использованием местного сырья и техногенных отходов, в том числе при производстве низкоэнергетического клинкера и цемента.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных в указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № ПП-4947 «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан», 4 мая 2018 г. № ПП-3696 «О дополнительных мерах по обеспечению стабильного снабжения внутреннего рынка цементом», 2019 г

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 97.02.2017 г. «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

Постановления № ПП-4198 от 20 февраля 2019 г. «О мерах по коренному совершенствованию и комплексному развитию отрасли строительных материалов», ПП-4335 от 23 мая 2019 г. «О дополнительных мерах по ускоренному развитию отрасли строительных материалов» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствия исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий VII – «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. Изучением получения портландцементов с высоким содержанием кремнеземных добавок занимались Ihsan Erçin, H. El-Didamony, Darweesh H. H. M., Mahmoud R. A., Yilmaz Bulent, Ediz Nezahat, Degirmenci Nurhayat, Yilmaz Arin, B.V. Тимашев, В.К. Классен, С.С. Канцепольский, Т.Б. Бельских, О.В. Кононова, А.О. Смирнов, М.Я. Бикбау, Б.Т. Таймасов, Ю. А. Онасенко, В. В. Песчанская, В.В. Бабков, А.И. Габитов, Сахибгареев, Т.Б. Бельских, Г. Браун, А.И. Савенков, А.А. Баранова, В.Д. Котляр, М.В. Бахарев, В.Н., Семиндейкин, З.Б. Энтин и другие.

Ученые нашей страны Т.А. Отакузиев, М.И. Искандарова, З.П. Пулатов, Г.М. Рахимова, А.М. Рахимов, А.А. Туляганов, Ф.Б. Атабаев и другие также проводили научные исследования по данной теме.

В результате научных исследований ускорился процесс образования основных минералов в низкоэнергетическом клинкере; стабилизировались характеристики марок портландцементов, полученных на основе техногенных отходов; повысилась прочность композитных цементов; изучен механизм образования новых продуктов при сжигании и добавлении в цемент новых добавок; изучены физико-химические основы образования искусственных конгломератов в цементном камне.

В настоящем ведутся разработки по нижеследующим направлениям: получение новых видов цементов с неорганическими добавками с высоким содержанием кремнезема на основе нанотехнологий; повышение антикоррозионных свойств сульфатостойких цементов; изучение механизмов гидратации пуццолановых цементов в процессе трансформации в бетон; разработка новых составов композиционных цементов на основе сырья вновь открытых месторождений; а также научные исследования по снижению себестоимости цемента.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного заведения, в котором она была выполнена.

Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Института общей и неорганической химии АН РУз в рамках прикладного проекта ПЗ-20170914202- «Разработка технологии получения новых видов цементов с высоким содержанием микрокремнезема и местных кремнеземсодержащих добавок».

Целью исследования является, разработка состава и технологии производства нового типа энерго-, ресурсосберегающих портландцементов с использованием в качестве добавок микрокремнезема (МК) и опоковидных пород.

Задачи исследования: исследование химико-минералогического состава микрокремнеземных и опоковидных пород, с определением соответствия их гидравлической активности и их пригодности для использования в качестве добавок к цементу;

исследование влияния микрокремнезема и опоковидных пород на физико-механические свойства портландцемента и оптимизация состава портландцементов с их добавкой;

исследование кинетики скорости связывания воды, формирования фазового состава и микроструктуры искусственного конгломерата при твердении вяжущей системы «молотый клинкер-микрокремнезем-гипс-вода» и «молотый клинкер-опоковидная порода-гипс-вода»;

исследование физико-механических свойств портландцементов, полученных с использованием ультрадисперсного микрокремнезема и оптимизация их состава;

